


ОЛМАЛИҚ ХИМИЯ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИДА

Олмалиқ кимё заводи қурилиши кун сайин қизиб турганда. Айниқса фосфат омборхонаси қурилишида ишлаётган Ю. Буякин бошлиқ бўйдоқдорлар самарали меҳнат қилишмоқда. Суратда: илгир бригада коллективни ишлатган участканинг қурилиши.



ИЛҲИЧ МУЗЕЙИ

Пойтахтдаги 174-ўрта мактаб залларини айланган эканис, ўзининг В. И. Ленин музейида юргандек ҳис қила-сиз, «Ленин барҳайт» деб номланган стенд фотоматериаллари дохил ҳаёти билан таниш-шишга имкон беради.

В. И. Ленин музейи эмпор-матлари ҳам хилма-хил. Му-тейга кираринида дохил бю-сти кўзга ташланади. Разли-лаги чалла макети дид билан ишланган.

Бу ерда В. И. Ленин асар-лариға ҳам катта ўрин берил-ган. Дохил бўлган жойлар ха-ритаси кўзга ташланади. Шу-нингдек, Лениннинг умр йу-доши, оташин революционер ва мохир педагог Н. К. Крупская-нинг ҳаёт йулига оид тарихий ҳужжатлар ҳам бор.

Булардан ташқари мактабда ота-оналар ва ўқувчилар учун тематик суҳбатлар ташкил этилмоқда. Сифларда «Виз-нинг бобониз», «Ленин ва му-зика», «Ленин дони биз би-лан», «Илҳичнинг болалиги», «Илҳичнинг ўқиниға бўлган ха-васи» каби ўнлаб тарбиявий соатлар ҳам ўтказилди. Дохил ҳаётини акс эттирувчи энг ях-ши альбом учун конкурс эъ-лон қилинди.

Мактабда дохил юбилейига ана шундай пухта тайёргарлик қилинмоқда. Бундай ибратли ишларни амалга оширишда ўқувчилардан М. Мирпола-тов, С. Аксанова, М. Рашидов ва К. Соколовларнинг ҳиссаси каттадир.

С. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
штатсиз мухбири.

ҲОЙДАЛИ СЕНИНАР

Область партия комитетиде Эз-бекистон КП шаҳар ва район ко-митетлари секретари ердамчи-ларининг икки кунлик семинари бўлиб ўтди.

Семинар қатнашчилари партия ҳўжалигини юрйтиш, иш юритиш, партия ахбороти, молия-ҳўжалик ишларига оид масалалар бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Семинарда умумий-сений те-маларда лекциялар ўқилди. Семинар ишида Эзбекистон КП Марказий Комитети бўлим муд-рининг ўринбосари В. К. Шипи-лова иштирок этди.

Тошкент область партия коми-тетининг биринчи секретари ўртоқ М. А. Абдуразоқов семинар қат-нашчилари билан суҳбатлашди.

ҚУРУВЧИ МЕХАНИЗАТОРЛАР

Тошкент область ихтисослаш-ган транспорт қурилиш трести коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб кутиб олиш, беш йиллик план топириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган умумхалқ ҳаракатида актив ишти-рок этмоқда.

Механизаторлар зиммаларига юксак мажбуриятлар олиб иш-лашди. Барча бошқармаларда ана шу мажбуриятни тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусо-бақа кенг қўл оч ёйдирилди. Му-собақа жароянида нукудта кел-ган янгилликлар кўччилик ўртаси-да ёйилди.

Қурилиш ишларини олиб бо-ринининг прогрессив технологияси ва илгир иш усулларини қўлла-нишга муттасил эътибор берилди. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш билан боғлиқ бўлган қатор тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Меҳнатга ҳақ тўлашининг прогрессив усуллари тобора кенг қўлланилди.

Шундай тадбирларнинг қури-лиши ўзининг ажойиб самараси-ни берди. Трест механизаторла-ри, инженер-техник ходимлари ва хўжаликчилари йиллик қурилиш-монтаж ишларини планини муд-датидан 27 кун илгари шараф би-лан бажарганликлари ҳақида га-лаба рапорти бердилар.

Шу давр ичида йиллик план-дагидан ташқари 1.1 процент кўп қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди, саноат маҳсулоти эса 3.3 процент ортқ ишлаб чи-

қарилди. Зиммага олинган йил-лик социалистик мажбурият бар-ча техника-иқтисодий кўрсаткич-лар бўйича тўла ва ошириб дун-дирилди. Ўтган йилнинг шу дав-ридагига қараганда бажарилган иш ҳажми 16.7 процент кўп бўл-ди.

Трестнинг аксарият қурилиш ташкилотлари беш йилликнинг учинчи йилида баранали ишлаш-ди. «980-УНР», Оҳангарондаги 15 ва Янгийўлдаги 16-механизация-лашган кўчма колонналар, Чир-чиқдаги ихтисослашган бошқарма, механизация бошқармаси коллек-тивлари шулар жумласидандир.

ЛЕНИНЧА МЕХНАТ ВАХТАСИДА

Улар деярли бир ойчадан бери келаси йил ҳисобига меҳнат қи-лишмоқда.

Шу йилнинг ўтган 11 ойи мо-байнида трест механизаторлари томонидан жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Юз ки-лометрдан ортқроқ узунликдаги водопровод, 70 километрга яқин канализация тармоқлари қурилди. Ўллар устига 2.1 миллион квад-рат метр ҳажмида асфальт-бетон, 13 минг квадрат метр ҳажмида бетон ёқизилди, 44.5 шохометр узунликда темир йўл шохомча-лари ишга туширилди. Айни вақтда 4 миллион кубометрдан ортқроқ

тупроқ ишлари бажарилди. Юз-лаб минг тонна асфальт-бетон ишлаб чиқарилди.

Трестнинг ихтисослашган бош-қармалари коллективлари область шаҳарларидаги жуда кўп йирик саноат объектларини қуриш ва реконструкциялашда фаол ишти-рок этдилар. Олтинтопган кўрго-шич-руҳ Чирчиқ электрхўжияи, Ўртаовул гўшт комбинатларида янги қувватларнинг ишга тушири-лишига ҳисса қўшдилар. В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон ме-таллургия заводи, Чирчиқдаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чи-дамли металллар комбинати, «Эз-

бир механизаторнинг муқаддас бурчи бўлиб қолди.

Трест новаторларининг йил да-вомиде олиб борган ижодий изла-нишлари ҳам таъдирга сазовор-дир. Ўлар Ўзларининг қурилиш муқдатларини қисқартриш, меҳ-нат унумдорлигини ошириш, ма-териалларни тежаб-тежаб сарф-лашга қаратилган тақлифлари бил-лан коллективнинг ҳўрмат-эъти-борини қозондилар. Тиниб-тинчи-маслар шу йилнинг тўққиз ойида 35 тага яқин тақлиф билан чи-қдилар. Уларни амалга оширишдан эса ҳар йили 64 минг сўмлик иқ-тисодий самара олиш мумкин. Айни вақтда янги техникани жо-рий қилиш, меҳнатни илмий асос-да ташкил этиш юзасидан қатор чоралар қурилдики, бу билан йил давомиде 80 минг сўмликдан кўп-роқ давлат маблағини тежаб қо-лиш имкони туғилди.

Йиллик қурилиш-монтаж иш-лари топириқини барвақт бажар-ган лешадам трест коллективни шу кунларда хўжалиқ йилини янада катта галабалар билан яку-лаш иштиғида гайрат камарини маҳкам боғлаб ишламоқда. Ме-ханизаторлар ўз имкониятларини қис-серблаб чиқиб, йиллик пландан-дан ташқари наби билан бир мил-лион сўмлик қурилиш-монтаж иш-ларини амалга ошириш, ўзлари қурилишда иштирок этаётган объектлардаги бу йил тугатилиши мумкин бўлган барча ишларини тў-ла тугаллашга аҳд қилдилар.

Х. СУЛТОНОВ.

Арматурачи Муслима Сулай-монова Олмалиқ кимё заводи қу-рилишида ишлаётган пешадам ишчилардан бири ҳисобланади. У топириқларини доимо ошириб бажаряпти. Суратда: М. Сулаймо-нова.

А. Умаров фотолари.

КЎРКАМ ВА ҚУЛАЙ

Тошкентликлар Чилонзордаги савдо марказини яхши билишди. Улар бу ерда ўзларига керакли буюмларни харид қилиш билан бирга маиший хўжалик пунктлари-дан ҳам фойдаланишмоқда.

Сатоат, озиқ-овқат, ҳўжалик ва маданий моллар, тикув машина-лари бўлимларидан ташқил топ-ган бу йирик савдо комплекс харидорлар учун жуда қўлайдир. Савдо марказида сартарошхона ишлаб турибди, шу ерда расмга тушишини, ўзиниғиз истаган фасонда қўйлақ буюришиниғиз ёки енгил тамаддиқ ҳам қилиб оли-шиниғиз мумкин. Яқин орада бир қатор район марказларида ҳам ана шундай савдо тармоқлари ку-рилади. Центросоюз лойиҳа ин-ститут Тошкент филиали ходим-лари савдо марказига ўхшаш бир неча лойиҳа яратибди. Дастлаб-ки ана шундай бино Калинин рай-ониде қад кўтарилди.

Инженерлар бундан ташқари 10 минг квадрат метр ҳажмига эга бўлган йирик типовой савдо базаси лойиҳасини ишхўлсига ет-казишмоқда. Ҳозирги замон қу-рилиш материаллари асосида қад кўтарилган бу йирик комплекс ишшоот буткул автоматлаштири-лади, қўл меҳнатига ўрин қол-майди. Блок ва транспортёрлар ёрдамида маҳсулотлар турли бў-лимларга узатилади. Бундай йи-рик база Тўйнепада қуриш мўл-жалланган. Кейинчалик Тошкент-да ҳам ана шундай бино қурилад-ди. Лекин буниси Тўйнепадагига нисбатан бироз кичикроқ бўлади. Институт коллективни таъдиди-дан лойиҳа асосида бир неча заводалар, бинолар қурилади.

Янгида эса юз ўрнча мўлжал-ланган типовой экспериментал-чойхона-лоийҳаси устида иш бош-ланади. Бунда иллий архитекту-ра традицияларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Т. ТАТАРЕНКО.

ХИМИЯ ФАНИ ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ

Биз бу фанин образли қи-либ «муҳажжор» фан дей-миз. Ҳа, унинг муҳажжаси халқ хўжалигининг деяр-лик ҳажми соҳасида ўз нуқра-тини кўрсатмоқда.

Бундан факат муҳажжаслар-нинг эмас, ҳатто химия билан алоқаси бўлмаган кишилар ҳам жуда яхши билидилар. Чунки, химия муҳажжаси ёрдамида хилма-хил металллар, уларнинг қотишмалари, ўнгилар, ўсим-ликларни ҳимоя қилиш мақса-ди учун қўлланиладиган мод-далар, синтетик бўёқлар, дори-дармонлар ва бундан майбана-лар топилади. Шунингдек, хи-миявий тозалар ва полимер материаллар олиш, уларни со-циалистик саноатимизда қўл-лаш имконияти яратилди. Хи-мия фанининг ривожланиши туфайли медицина ва қишлоқ хўжалигида буюк бурилишлар ясадди.

Химия кафедралари ва фа-культетларимизда олиб бори-лаётган илмий ва педагогик ишлар ҳам социалистик саноат-имиз ва қишлоқ хўжалигимиз талабига мослангандир. Сту-дентларга саноат ёки қишлоқ хўжалиги учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўл-ган аниқлаш темалар диплом иши сифатида берилмоқда.

Институтлар химия кафедр-аларининг ишнини тағин ҳам яхшилаш борасида қурилган тадбирлар муҳажжаскор фан та-риқийтига ижобий таъсир кўрсатди. Шундай бўлса ҳам бу соҳада хали айрим камчи-ликлар мавжуд.

Улардан бири республика-миздаги кўччилик олий ва маҳсус ўқув юртларидаги ла-бораторияларнинг замонавий техника асбоб-ускуналари бил-лан етарли жиҳозланмаганли-гидир. Буларсиз замонавий та-лабга тўла жаваб берадиган даражадаги малакали муҳаж-жаслар етиштириб бўлмайди.

Бунда шубҳасиз кафедра-лар ҳам муҳим роль ўйнайди. Кафедраларда профессор, до-

цент ва ассистентлардан таш-қари катта ва кичик илмий хо-димлар учун ҳам ўринлар ак-ратилиши лозим. Уларнинг муваққил ишлашлари учун етарли шароит яратиб берили-ши даркор.

Шунингдек керакики, бун-дай имкониятлар фақат айрим проблема лабораториялари бўлган институтлардагина мав-жуд. Бошқа институт кафедр-аларида аҳвол бундай эмас.

Проблема лабораториялари бўлмаган кафедраларда ҳам бу ишнинг аста-секин йўлга қўйиб боришининг вақти келиб етди.

Айрим институтлар химия кафедраларида ҳамон эснеча усулда иш тутилмоқда. Илмий-тадқиқотлар ва катта ҳажмда-ги машғулотларни олиб бориш учун қўнчинча етарли шароит бўлмайди. Ҳатто, институт ку-тухоналаридан айрим зарур адабиётларни топиш қийин.

Аудитория ва кабинетлар етишмадики.

СССР Фанлар академияси-нинг академиклари Н. Семёнов, В. Каргин, С. Вольфович ва бошқа кимёгар олимларнинг «Известия» газетасида босил-ган «Химия фанини ҳозирги замон талаблари даражасида ўқитилиш» деган мақоласида малакали ёш муҳажжас кадр-лар етиштириш масаласига ҳам алоҳида тўхталди. Ўтди. Мақолада химия программга бў-йича умумий химия курсиға таълим қилинган дарс соатлари етарли эмаслиги айтилди. Шу билан бирга таълимнинг ярим лаборатория машғулотлари-га ҳам айрим соатлар ажрати-лиши лозимлиги кўрсатиб ўтил-ди.

Республикамиз олий ўқув юртларида бу борада қатор иж-ратли ишлар қилинмоқда. Ян-ги ўқув программалари тузил-ди, янги программалар бўйича химия фани асосларини ўргати-ла бошланди. Бу эса кадрлари жой-жойига қўйиш ва уларни ўз муҳажжасликлари бўйича ишга тақсिमлашда ижобий роль ўйнади.

Химия фанининг ўқитилиши-ни тағин ҳам яхшилашда

қўйидаги масалаларни муваф-фақиятли ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Келажакги порлоқ илм-фан эгаларини маърифатга даъват этиш иши йўрта мактабдан бошлаш ло-зим. Чунки, олий ўқув юрти-ларида ўргатиладиган ҳамма тур-даги химия фанининг асосий пойдевори шу ўрта мактабда қўйилади. Ўқувчиларни эле-ментар валеитлигини англа-ган ҳолда реакция тешилама-ларини туғри тузишга, аниқла-ниш моддалар классификация-сини пухта эгаллашга, айниқса масала ва машқларни еча би-лишга мустақил ўргата бориш даркор.

Олий ва ўрта маҳсус билим юртларида ўқитилган ёшларга химия фани ҳақидаги дастлаб-ки тушунчалар аниқлаш хи-мия ҳақида билим беришдан бошланади. Шунинг учун фан асосларини халқ хўжалигимиз билан боғлиқ ҳолда ўргатиш усулини кенг жорий этиш ке-рак.

Ихтисосликларга мос келадиган тематик машғулот-лар ўтказиш, турли корхона ва муассасаларга экскурсиялар қилиб туришининг фойдаси кат-тадир. Фанининг саноат ва иш-лаб чиқариш билан маъмул тартибда боғланишини таъмин этиш учун лекция ва лабора-тория машғулотларини кўзга-салиш равишда олиб бориш ке-рак. Ўрта мактаблар билан институтлар ўртасидаги ало-қани мустаҳкамлаш ўқувчилар-нинг фан асосларини пухта эгаллашга бўлган қизиқишлар-ини оширади. Шу билан ме-тодик ва илмий ҳарактердаги тадқиқотлар олиб бориш кенг йўлга қўйилди.

Биз олий ўқув юртларида химия фанини ўқитишга доир айрим мулоҳазаларни баён эт-дик. Ҳаёт таърозо қилаётган бу масалалар шу кўнчининг муҳим вазифасидир.

Ш. ИСХОҚОВ,
И. ҲАКИМОВ,

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти химия кафедрасининг до-центлари.

ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

Ўз зиммаларига олган йиллик топириқини муддатидан илгари муваффақиятли адо этдилар. Меҳнатсевар коллектив гай-

ратга-гайрат қўшиб ишлаб, шу кунгача планга қўшимча сурат-да давлатга 460 тонна маҳсу-лот топишди. Корхона коллек-



ЯНГИ КИТОБЛАР

«Ўзбекистон» нашриёти яқин-да «Халқ назоратчилари» но-миде китобин босмадан чиқарди. Унда халқ контроли фаолияти-га доир масалалар ёритилган.

Шунингдек, китобда халқ контроли ишида актив ишти-рок этаётган жамоатчи назо-ратчиларнинг иш тажрибалари тўғрисида ҳикоя қилинади.

КПСС Марказий Комитети ҳўзуридаги Марксизм-ленинизм институтининг Ўзбекистон фили-али томонидан тайёрланган «КПСС тарихи хрестоматияси» китоби ўзбек тилида босмадан чиқди.

Хрестоматия олий ўқув юрт-ларининг ўқувчилари учун КПСС тарихи курсидан ўқув қўлланмаси ҳисобланади. Бу китоб марксизм-ленинизм кечки университетининг тинг-ловчилари, сиёсий маориф системасидаги партия тарихи-ни ўргатиш тўғрисидаги ва се-минарлар қатнашчиларига ҳам яхши қўлланиладир.

О. ИБРОХИМОВ,
М. ШЕРМУҲАМЕДОВА,
«Ўзбекистон» нашриёти хо-димлари.

тнин йил охиригача планга қў-шимча равишда 800 минг сўм-лик янги маҳсулот беришга аҳд қилинган. Шунингдек завод коллективни йил охиригача яна 250 тонна пахта толеси ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.

Охунбобоев номиде майдонда Тошкент Марказий универсал ма-газини қурилиш давом этаётти. Суратда: универсал магазини қу-рилишида иштирок этаётган пайвандчи бўйдоқдорлардан (чапдан ўнгга) П. Неупокаев ва В. Букрев ўртоқлар иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

МАНГУЛИККА ҲАЙКАЛ

Улуғ Ватан уруши тугатани-га ҳам чорак аср бўляпти. Ле-кин халқимиз ўша йиллардаги қийинчиликларни сира эъти-р қилмайди. Советлар ёдори-нинг бугунги порлоқ кунини учун кўплар қатори ўзбек ўгонлари ҳам жон фидо қилди. Урушга аънаган ўн минглаб тошкент-лик йигитларнинг айримлари ота-онаси, болалари бағрига қайтиб келмади.

Халқимиз ана шу мард қаҳ-рамонларни сира унутмайди. Пойтахтдаги «Галаба» мадан-ий ўрганиш тўғрисидаги аста-е-зорлик ўрнатилди. Республи-ка Маданият ва маорифлиги мо-нумент лойиҳаси учун ёпиқ конкурс эълон қилди.

Конкурсга тўртта лойиҳа тақдим этилди. Уларнинг ҳам-маси бир-биридан фарқ қилади. Лекин ҳайкалтарош ва архи-текторлар бир мақсадни —

мардлик-мангулиқни изоҳлашга га ҳам чорак аср бўляпти. Ле-кин халқимиз ўша йиллардаги қийинчиликларни сира эъти-р қилмайди. Советлар ёдори-нинг бугунги порлоқ кунини учун кўплар қатори ўзбек ўгонлари ҳам жон фидо қилди. Урушга аънаган ўн минглаб тошкент-лик йигитларнинг айримлари ота-онаси, болалари бағрига қайтиб келмади.

Халқимиз ана шу мард қаҳ-рамонларни сира унутмайди. Пойтахтдаги «Галаба» мадан-ий ўрганиш тўғрисидаги аста-е-зорлик ўрнатилди. Республи-ка Маданият ва маорифлиги мо-нумент лойиҳаси учун ёпиқ конкурс эълон қилди.

Конкурсга тўртта лойиҳа тақдим этилди. Уларнинг ҳам-маси бир-биридан фарқ қилади. Лекин ҳайкалтарош ва архи-текторлар бир мақсадни —

В. СВЕНОВ.

КОЛХОЗ ЧОРВАДОРЛАРИ

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақани тобора кенг қўл очиб бераётган ҳўжалик коллективлари беш йилликнинг учинчи йилини меҳнатда янги-янги муваффақиятлар билан кўнатишмоқда. Умуманан, мусобақасига қўшилган Қилиннинг районидagi «Ленин йўли» колхоз чорвадорлари ҳам 1968 ҳўжалик йилини яхши кўрсаткичлар билан якунлаб, янги йилга қувончли зафарлар билан келдилар.

Маъмур ҳўжалик давлатга чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш топириқларини мўддатидан анча илгари адо этди. Жумладан, давлатга сўт топириқини 5 декабрда ошириб бажаришди. Миршкор чорвадорлар давлатга 347 тонна ўрнига 360 тонна сўт етказиб бердилар. Колхоз бўйича аса пландаги 394 тонна ўрнига 403 тоннадан зиёд сўт тайёрланди.

Колхоз чорвадорлари гўшт тайёрлаш, сугирлардан бузоқ олиш планларини ҳам ортиги билан адо этдилар. Давлатга 25 тонна ўрнига 27 тонна семиз гўшт етказиб берилди. Тажрибали бўрдоқчилар планда белгиланган 33.2 тонна ўрнига жами 34 тонна гўшт тайёрладилар. Бу йил сугирлардан бузоқ олишда колхоз чорвадорлари, айниқса, катта муваффақиятини қўлга киритдилар. Сўт-товар фермасига план бўйича бириктирилган 160 бош сугирдан мўлжалдаги 135 ўрнига 160 та бузоқ олинди. Бу ҳар 100 бош сугирга 100 тадан бузоқ тўғри келди, деган гандир.

«Ленин йўли» колхоз чорвадорлари бундай ютуқларга қандай қилиб эришдилар? Бу саволни колхоз зоотехниги Собир Шокиров қуйидагича жавоб бери:

— Эришадиган ютуқларимизни асослаш учун жуда кўп дадиллар келтириш мумкин, — дейди у. — Ленин мен, сўт етиштиришни кўпайтиришда энг

асосий омил бўладиган сугирлар зотини яхшилаш хусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

Фермада сугирлар зотини яхшилаш ишига 1966 йилда киришилди. Ушунда ҳар бош сугир сугирдан 2200 литрдан сўт соғиб олинган эди. Бу ҳўжалик йилига келиб ҳар бир сугирдан ўртача 3000 литр атрофида сўт соғиб олинди. Соғин сугирлар зотини яхшилаш устида катта ишлар қилинди. Аввало, фермадаги серсўт сугирлар бир бошдан танаб олинди. Кам маҳсулдорлар аса, зоти яхшилланган сугирлар билан алмаштилари. Кейинги фермада янги зотли сугирлар билан тўлдириб бориш устида ҳам иш олиб боришмоқда. Бунда энг самарали усул — молларини сўтгай ўрнатиш методидан фойдаланишмоқда. Бу йили муваффақиятли йўлга қўйишда бизга Тошкент давлат насилини станцияси яқиндан ёрдам берди. Зотдор сугирлардан олинган бузоқлар алоҳида парвариш қилинмоқда.

Ҳозир фермадаги ҳамма сугирлар зотли. Масалан, «Ватан-182» лақабли сугирни олиб кўрайлик. Бу сугир бешинчи туғишда 4400 литр сўт берди. Сўтининг мойлилик даражаси 3.90 процентини ташкил этди. «Монета 70» сугири ҳам юқоридасидан қолшимайди. Бу сугирдан биринчи туғишда 3500 литр сўт соғиб олинди. Сўтининг мойлилик даражаси энг юқори, 4.1 процентини ташкил этди.

Чорва маҳсулдорлигини оширишда уларни қатъий раъион асосида боқиш ҳам муҳим омил ҳисобланади. Бунини яхши билган ферма молдорлари сугирларга таълим беришга асосан нормалар асосида беришди. Соғин сугирларнинг кундалик раъиони, масалан, қуйидагича: 6 килограмм беда, 20 килограмм сўлос, 2—3 килограмм концентрат озуқа, 15 килограмм гаҳа хашак, лавлага, 10—20 килограмм барда. Дағал хашак сугирларга майдалаб, бардага

қориб едирилади. Бунда ем-хашак нушхўртга чиқмайди, озуқа запаси тежаб-тергаб қолинади.

Колхознинг механизациялашган комплекс чорвачилик бригадаси аъзолари йил бўйи фидокорна меҳнат қилиб чорва қислини учун мўл-кўл озуқа базаси яратдилар. 700 тонна дағал хашак, 2200 тонна сўлос, 300 тонна хашак лавлага жамғариб қўйилди.

Колхоз сўт бўлогини жўш урдиришда шикоят билан меҳнат қилаётган илгор чорвадорлар ҳақида асатмай ўтиб ўтмайди, албатта. Кумуш Каримова, Зулфия Зокирова, Тўхта Каримовалар колхоз сўт-товар фермасининг энг илгор сўт соғувчилари. Улар 1968 йили меҳнатда зафарлар билан якунлашадиган. Кумуш Каримова ўз боқувидида 13 бош сугирдан шу кунгача пландаги 34 тонна ўрнига 36 тонна, Зулфия Зокирова 11 бош сугирдан 30 тонна, Тўхта Каримова аса, 12 бош сугирдан 32 тонна сўт соғиб олди. Бу мусобақадорлар йил охиригача яна 3—3.5 тоннадан сўт соғиб топириқига аҳд қилишган.

Чорвадорлар эришган муваффақиятга молдорлар С. Азимов, Е. Шомаҳмудов, бузоқдорлар П. Вишняков, Т. Дадабоев ва бошқаларнинг ҳам мусибат ҳиссаси бор.

Шу кунларда бўрдоқчиларимизда айниқса тиним йўқ, дейди комплекс чорвачилик бригадасининг бошлиғи Мақдана Норматов. — Улар 1969 йил гўшт топириқини планини мўддатидан анча илгари бажариш учун зўр гайрат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. 80 бош йиррик қорамол гўштга топириқини учун семиртишмоқда. Ҳозирда ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 300—320 килограмм келди. Бу аса, колхоз гўшт планини тўла қоплаш учун етарлидир.

Н. ҲИҚМАТУЛЛАЕВ,
Ж. РАҲМАТОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



Шу кунлари шаҳарнинг тарихий медресаларида реставрация ишлари жадал суратларда олиб борилапти. Бу пйга моҳир ва тажрибали усталар жалб этилган. Суратларда: (чапдан ўнгга) ака-ука Абдуғаффор ва Тоҳир Ҳаққуловлар Улугбек Медресасини таъмир этишда иштирок этмоқдалар. Моҳир уста Соҳибдаврон Ҳайдаров.



УСТА ДЕҲҚОНЛАР

Мансуржон Мирзаўлдаги механизаторлар тайёрлаш мактабини муваффақиятли битириб, қишлоғига келиб трактор бўлиб ишлаш бошлади.

Лекни, кўп ўтмай уни бригадирлик вазифасига тайинлашди. 70 гектарлик янгитдан ташкил этилган боғ бригадасига 20 кишига раҳбар қилиб юборилди. Ёш ишчиларни парвариш қилишда жон қуйдиришди.

Бригадада иш яхши бўлди. Ёш киши бўлишига қарамай баракали хирмон кўтарилди. Ҳар гектар ердан 16 тоннадан оширилиб юқори сифатли помидор топириқиди. План комбинатда биринчи бўлиб ошириб бажаришди. Лекни ишчилар эришилган ютуқларни ҳалол меҳнат қилиш билан мустаҳкамлаб бердилар. Ҳар гектар ердан 17 тоннадан маҳсулот топириқини дейишди. Аҳдига вафдо қилган бригада аъзолари бунинг ҳам устидан чиқдилар. Нобударчиликка йўл қўйилмади. 340 тонна помидор шаҳарликларга етказиб берилди. Анҳагина помидор аса тулаш учун оморга топириқиди.

Мансур Расулов, — дейди Усмон Юсупов номли комбинатнинг 4-бўлим бошқарувчиси Сулаймон Султонов, — ҳали ёш, лекни шунга қарамай у тўрт йилдан бери бригадирлик вазифасида ишлаб келапти. Шу вақт ичиди у ҳар йили ўз анимасига конкрет мажбурият олади. Ваздасининг устидан чиқиб планини ошириб бажараяпти.

Тоғот отди. Мансуржоннинг мукофотга олган «Урал» мотоцикли пат-патлаб юриб кетди. Бригада бошлиғи ҳар кун қанчадан-қанча тош-туғро, асфальт йўлларини босади. Трактор рулига ўтириб, акилардан бушанг ерларни шуддор қилади. Хуллас, бригадирнинг иши бошдан охиб бўлди.

Ҳўжалик ишлари билан овора бўлиб, ўз билиминин, сийси малакасини оширишни унутиб қўймапти. У кун билан да-

лада бўлса, кечкурунлари аса кечки мактабга қатнаб ўз билимини ошириб, раҳбарлик маҳоратини тақомиллаштирмоқда.

М. ҲОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.
Х. ЭРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.



Куба халқи кўп йиллар мобайнида Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатлар ёрдамида социализм қурмоқда. Иллар ўтиши билан Куба халқининг маданий ҳаёти ривожланиб, халқ ҳўжалиги мустақамлашмоқда. Суратда: Куба республикасининг пойтахти Гаваана. А. Стужин фотоси. (ТАСС).

БУЮК МИЛЛАТ МАЖЛИСИ СЕССИЯСИДА

БУХАРЕСТ. 26 декабрь. (ТАСС). Руминия Социалистик Республикасининг Буюк миллат мажлиси бугун яна янги мажлисини бошлади. Сессия кун тартибига халқ кенгашларини

МОГАДИШО. СССРнинг Сомадагиди элчиси С. П. Дюквер Совет Хотин-Қизлар Комитетини топириқиди бипоан 4800 метр турли гауламаларни, лора шешларини болалар уйларида болаларга тақдирлаб бериш учун юборилган қилим-кечакларни Сомадагиди Хотин-Қизлар Таш-

ПАРТИЗАНЛАРНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

ҚОҲИРА. 26 декабрь. (ТАСС). «Миллий озодлик» ташкилоти кўмондонлигининг бугун эълон қилинган ахборотда Фаластиндаги шу ташкилот партизанлари декабрь ойининг сўғги икки ҳафтаси мобайнида босиб олинган араб

территорияларида Исроил босқинчиларига қарши туртта катта операция ўтказганликларни айтилади.

Голан тепалиқларида ўтказилган операциялар натижасида икки Исроил солдатлари бўлган патруль автомашинаси яқсон қилинган. Хон Юнусдан шимолроқдаги Газа секторига ҳамда Голан тепалиқларида икки кўприк портлатилган, шунингдек душманининг танки экипажи билан бирга яқсон қилинган.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИДА

КИЛОТЛАРИГА ТУҲФА ҚИЛИБ ТОПИРИЛДИ.

Сомали Хотин-Қизлар ташкилотларининг раҳбарлари эътибор билан қараб бегарас ёрдам берганлиги учун Совет Хотин-Қизлар Комитетига миннатдорчилик билдирдилар.

ЯҚИДЛИК

КАРОЧИ. Бу ерда «тараққиёт йўлида регионал ҳамкорлик» ташкилотига кирувчи мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви

АҚШ ВА ТАИЛАНД ГУМАШТАЛАРИ ФОШ ҚИЛИНДИ

ПНОМПЕНЬ. 26 декабрь кунли Камбоджа короллиги қуролли кучлари бош штабига тўпланган маҳаллий ва чет эл журналистларига эмиграциядаги қўпуровчи «Кхмер серей» ташкилотининг жиний ишлари ҳамда Қўшма Штатлар ва Таиланд билан яқиндан қилган ҳамкорлигини кўрсатувчи ашёвий далиллар намойиш қилинди.

Ута ўнг «Кхмер серей» ташкилотининг қуролли отрядлари АҚШ ва Таиланднинг муайян ташкилотлари топириғи билан Камбоджага қарши, асосан Таиланд чегараси бўйидаги тинч аҳолига қарши диверсия ҳаракатлари қилиб турибди.

Эмиграциядаги ана шу қўпуровчи ташкилотнинг Таиландда кўп нуҳудда ташкил этилган пропаганда материаллари, шунингдек Америкада ишлаб чиқарилган қурол-яроғ намуналари журналистларга кўрсатилди. Материалларда Камбоджадаги маъмур давлат тузумини ағдариб ташлашга, давлат бошлиғи шахзода Норором Сианукни ағдариб ташлашга даъват қилинади.

(ТАСС).

АҚШ КХДРГА ҚАРШИ ҚИЛГАН АГРЕССИЯСИНИ БЎЙНИГА ОЛДИ

МОСКВАДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ


26 декабрда Корея Халқ Демократик Республикасининг СССРдаги элчихонасида Совет ва чет эл мухбирлари учун матбуот конференцияси ўтказилди.

Матбуот конференциясида сўзга чиққан КХДРнинг Совет Иттифоқидида элчиси Тен Ду Хван АҚШ қуролли жусус кемаси «Пуэбло» экипажининг жинийоткорона ҳаракатларини яшира олмай, Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматидан уэр сўрашга мажбур бўлди, деди.

Мухбирларга АҚШ ҳукуматининг КХДР ҳукуматига йўллаган мактуби нуҳсалари топирилди. Унда КХДРга қарши жусуслик ҳаракатлари учун уэр сўралади ва ўша можабо билан алоқадор бўлган бошқа материаллар бор.

Конференция охирида элчи мухбирларнинг берган саволларига жавоб қайтарди.

(ТАСС).



АҚШнинг ўйинчоқлар билан савдо қилувчи магазинларида кичик-кичик пулемётчалар, ракетақуроллари ва ҳаттоки «АҚШнинг Вьетнамдаги қўмондонлиқ пункти» нишоти каби ҳарбий жойларни, қурол-аслаҳаларни акс эттирувчи ўйинчоқлар кўплаб сотилмоқда. Суратда: Нью-Йорк шаҳрининг магазинларидан бирида ўйинчоқлар билан жиҳозланган витринанинг кўриниши.

В. Егоров фотоси. (ТАСС).

БУТУНИТТИФОҚ КҮРИГИГА

Чирчиқ электрохимия комбинати иқтидорчилиги ва рационализаторлик бюроси иши мактавга лойиқ. Шу йил мобайнида комбинатда 500 га яқин рационализаторлик тақлифи ишлаб чиқаришга

жорий этилди. Корхона ана шу тақлиф ва учта иштиро туфайли 2 миллион сўмга яқин маблағ тежаб қолдириб эришди.

Москпада электроэнергия ва исоқинини тежаб бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ кўрик-конкурсига комбинат ишчилари ҳам ўз

ХУШ ХАБАРЛАР

тақлифлари билан қатнашмоқда. Чирчиқнинг иқтидорчилигининг бу тақлифи ҳар йили 2.5 миллион киловатт-соат электр энергияни тежаб қолдириш имконини беради. Кўрик конкурсу голиблари янги

йилининг 15 январиди маълум бўлади.

НУРЧИЛАР УЧУН

Чорвоқлик нурчилар учун йиррик ошхона қуриб берилади. 120 ўринли

бу ошхонада ҳар хил лавазатли таомлар тайёрланадиган. Бундан ташқари учта кўчама буфет ҳам ишлаб турибди.

БЎСТОНЛИҚ НЕЪМАТЛАРИ

УРОЛ ВА СИБИРДА

Ғазалент консерва заводи ҳар йил Урал ва Сибирга кўплаб маҳсулот юқатадиган. Мевадардан тайёрланган қиём, компот, шунингдек тамак пасталари ортилган вагонлар Свердловск, Челябинск,

Магнитогорск, Чита, Ангарск ва бошқа шаҳарларга қатнамоқда. Завод муҳри — босилган маҳсулотлар фақат мамлакатимизнинг турли шаҳарларига эмас, балки чет еллари ҳам йўнатилаяпти. Яқинда бир неча минг сайна консерва ГФРга юборилди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

„БАҲОР„ ЧАНГЧИСИ

Бахтиёрнинг ўз касбига бўлган меҳр-туғиллари нисбатда эрта уйғонди. У Ленин номидаги пионерлар саройига ilk бор кириб келганда эндигина етти ёшга қадам қўйган эди. Музика мактабига ўқиш юрак экан, ёш Бахтиёр радио орқали таралган ёшларнинг куйи, шўх музикаларини диққат билан тинглар. Ҳатто чанг чалишни машқ қиларди.

Бахтиёр ўн тўрт ёшида пойтахтимидаги Гияр номидаги музика мактабига ўқишга кириди. Халқ чолгу асослари бўлишида кунт билан билим олди. Музика сир-асрорларини билишга ошқинди. Бу борда унинг устозлари, композициялардан Сайфиддин Жаҳон, Ҳасанжон Ниспиев ва доцент Аҳмаджон Одиловларнинг хизмати катта бўлди.

1957 йил охирида Бахтиёр Ўзбекистон Давлат ашула ва рақс ансамблида ишларди. Ўзбекистон Давлат филармонияси қошида «Баҳор» ансамбли ташкил этилганда Бахтиёр ҳам ушунга қўшилди. Маҳоратли, бой тажрибали эга бўлган ҳовида ва соҳабдалар ансамблга қабул қилина бошланди. Бахтиёр ҳам конкурслар муваффақиятлари ўтиб Маданият вазирлигининг йўлланмаси билан «Баҳор» рақс ансамблига чангчи қилиб ишга олинди. Мана ўн йилдирки, у шу ансамблда қатнашиб келаяпти.

СССР халқ артистиси Мукаррама Турғунбоева, Бахтиёрга устозлик қилди. Унинг ҳаракатчанлиги, ўз устида кўп ишлагани кўриб опа-иччадан қувонди, унга янгидан-янги ижодкор рақсларга қўйлар басталаш йўл-йўриқларини ўргатди. Йиллар ўтиши билан чангчи Бахтиёр Алиевнинг сони ра-

дио орқали, «зангори экран»да тез-тез эшитадиган бўлди. Музика ихлосмандлари уни севиб қолди.

Ҳозир Бахтиёр «Баҳор» ансамблининг чолғучилар коллективига раҳбарлик қилапти. Таниқли артистлардан Қаҳрамон Дадаев, Коммунар Комилов, Рашид Акбаров ва Рабобил Ҳамдамовлар шу коллективнинг аъзоларидир.

Моҳир чангчи Бахтиёр Алиев кўп йиллар мобайнида ўзбек музикасини Совет Иттифоқи ва чет эл мамлакатларида тарғибот қилмоқда. Миллионлаб қалоларда чанг тўрларининг исми, оҳанрабо кўйларини билан мафтун этган. 1961 йилда Финляндияда бўлган VIII жаҳон йиллари фестивалида Совет Иттифоқи шаҳарларида тўнлаган музичиларга раҳбарлик қилди. У шу фестивалнинг лауреати деган фахрли номни олди.

Кейинги йилларда Бахтиёр Алиевнинг ижодий изланчиси самараси ўлароқ ёқимли ва жо-забдор: «Баҳор наъмаси», «Душанба», «Варис», «Заво» каби кўйлар вужудга келди. Ўш саъяткорини ҳукуматимиз «Шахматли меҳнат устун» медали билан таъдирлади.

Моҳир соҳабда ва бастакор коммунист Бахтиёр Алиев жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Кўп йиллар мобайнида «Баҳор» ансамбли комсомол ташкилотига секретарлик қилди, ҳозир у касба союзи комитетининг раиси.

Биз соҳабда ва бастакор Бахтиёр Алиевдан келжакда янгидан-янги жозибали кўйлар кутамиз.

Х. ЖАМОЛИДИНОВ.


Суратда: «Баҳор» ансамблининг чолғучилар гуруҳи (ўртада) Бахтиёр Алиев чанг чалмоқда.

А. Абалон фотоси.

РАССОМ ТАБАССУМИ



Биринчи китобчаси чиққанидан сўнг...



Яна бир марта урсанг дадангга айтиб бераман...



Сўзсиз сурат:



Пенсиядаги врач...
А. Ҳолиқов ва А. Қамбаров
чизган расмлар.



ЦСКАНИНГ «ОЧИҚ САВДОСИ»

Ўтган чоршанба кўни «Футбол» шунқори ҳайрлашиб, оиласи билан йўлга жўнаб кетди.

— Сочига, дам олгани кетяпти, — деди муштираш оиласига. Қизик, Эркиннинг ўртоқлари — пахтакорчиларнинг ҳаммаси қизиқ каникуллардан қайтиб кела бошлаганда унинг «дам олгани» кетиши...

— Ўғлимни Москвага олиб кетишлари рост бўлса-я, — таъжубланади она.

Рост. Унинг Марказий Армия спорт клубига қабул қилиниши сир эмас.

Ҳа, Абдураимов ЦСКА га керак бўлиб қолди. Ахир бу машҳур команда ўтган йили ҳар қанча уринсада, медалга ҳам илтимомлади, кубондан ҳам қўруқ қолди.

— Хужумчи бўлмади, — дейишди ҳамма мутахассислар. — 399 ҳужумчи етишмай турибди-да, эътифоз этишди команда устозлари.

Муштирашнинг мана «Пахтакор»дан топишди...

«Пахтакор» ўстириб воляга етказган учинчи футболчини яна шу команда олиб кетяпти.

Ўзбекистон спорт жамоатчилиги, республикамиз матбуоти ҳақда равидаи ЦСКАнинг «очиқ савдоси»дан, бу «савдо»га бефарқ қараб турган СССР Футбол Федерациясидан рақибимиз.

Кўп эмас, ҳали яқиндагина пахтакорчи Солохога уч ўйинчи «алмашиш»ни ваъда қилган ЦСКА энди Абдураимовнинг баҳосини қандай ўлчаётган экан? Наҳотки шундай йўл билан, ушунган, кучли коллектив вужудга келтириш деб ўйласалар? Қачонгача бошқа командаларнинг манфаатларига путур етказиш эвазига ўзбўшимчилик билан иш тутилади.

Сир эмаски, «Пахтакор» ўтган йили «қўйиб» қолди. Унга мадд берди ўрнига бағдор «қўйиш»ни ўлчаётганларига шундай қилиши мумкин. Эсимизда, «Торпедо» бир вақтлар тағ аҳволда қолганда «Пахтакор» командасига ўтган

дарвозабон Анзор Қавазашвилини қўйиб қўймай олиб кетишган эди. Вақти келиб Ўзбекистон командаси шундай қийинчилик билан кечираётганда Юрий Пшеничников ўз коллективига қайтариб берилмади-ку! Бунга ўхшаш фактларни ҳар йили мавсумда кўриб турибмиз.

ЦСКА раҳбарлари қонунга хилоф иш қилаётганимиз йўқ, деб футболчиларнинг ўз аризасини ёки ўйинчиларнинг у қандайдан бу командага ўтиши ҳақидаги Нисомни рўқат қилишлари мумкин. Лекин бу ўларнинг футбол «савдоси» билан шугулланаётганлигини яширолмайди.

Армия командаси раҳбарлари ҳар хил йўл билан тайёр спортчиларни олиб кетаётганлиги одат тусига кириб қолган. Тошкентлик шахматчи — собиқ жаҳон чемпиони Елизавета Бикова, дунёга танилган гимнастка Сергей Демидов, маҳоратли боксчи Борис Нисеволар ва ўларга ўхшаш яна бир талай спортчилар

ЎЗБЕК КИНОСАҲНАТИ БИЛАН УЧРАШУВ

26 декабрь кўни Марказий лекторийда «Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи» туркумидаги «Совет Ўзбекистони» экран қаҳрамони» деган мавзуда кеча ўтказилди. Бу туркум 13. 11. Ленин туғилган кўннинг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилмоқда.

Лекторийга тўнлаган мосназирлар пойтахтга келган ўзбек кинематографчилар делегацияси билан учрашди. Делегация раҳбари Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби Л. Фаизов Ўзбек киноси босиб ўтган йўли, унинг келгусидаги режаларини гапириб берди.

Томошабинларга граждандар уруши даврига бағишланган «Қизилқум» бадий фильми кўрсатилди.

(ТАСС мухбири).

Иккинчи армиячилар қўшини олишнинг сифати кўшиб эмасми?

Шуниси қизиқки, «Пахтакор»дан бошқа ҳеч бир команда манфаатлари, масалан, айтайлик, Ўзбекистон, Ереван, Вок, Олма-ота, Киев коллективлари манфаатлари бунчалик оёқ ости қилинмаган.

Бу СССР Футбол федерациясининг «Пахтакор»га нисбатан ўғай кўз билан қараётганлиги билан бошқа нарсаси эмас. Устига устак Иттифок футбол федерацияси тошкентликларнинг тренинглари ҳам алмаштиравериш, уларнинг қўшимчасини аниқ олдириб юборди. Ўш футболчилар ким билан, қандай шугулланишни билмай, устозлардан ёлғизлик келмоқдалар.

Эрта-биринчи командалар мамлакат биринчилигига тайёргарликни бошлаб юборди. Спорт жамоатчилиги Иттифок федерациясидан тўғри йўл тутиши Армия футбол командаси раҳбарларининг бу нотўғри ҳаракатига зарба беришни талаб этади.

С. МУСАЕВ.

АРЧА БАЙРАМЛАРИ

...Кўркам безатилган арча кўзни қамаштиради. Атрофида ҳозирданок бахтиёр йиғит-қизлар, ўспиринлар ва болаларни кўришнинг мумкин. Ҳа, янги 1969 йил айёмида ҳамма жойда қизил ҳозирлик қўйилган. Биз тасвир этган манзарани шахримизнинг истаган йирик ташкилот ва муассаса биноларида учратганимиз мумкин.

Яхши «Ёшлик» манежга марҳамат қилинг. Бу ерда 50 минг ўсимир ва болаларга атаб арча байрами ўтказишга тайёргарлик қўйилмоқда. Яна шуниси характерлики, бу ерда қўйилган совғалар тайёрланмоқда. Улар чиройли кутчаларга солинган, ёнига қорбобо сурати туширилган. Қор қиз расми солинган совғалар ҳам кўп. Улар яхши ўйин, чиройли ашула айтиб қилиб қўйилган арчаларга тегади.

Маданият саройлари, пионер уйларида ҳам арча байрами тантаналари қанот ёзади. Тўнмачилик маданияти саройи, Максим Горький номидаги рус драма театри, пойафзалчилик маданияти саройи, «Ташсеъма» заводи боғида, Островский ва Крупская номидаги пионерлар саройида, Ёш томошабинлар театрида катта арча байрами ўтказилди. Тошкент шаҳри бўйича байрамда 250 мингдан кўпроқ пионер ва ўқувчи қатнашиб, мўлажалланмоқда.

Кўп жойларда «абдий арчалар» ҳам ўрнатилаяпти. Политиланд қилинган бундай арчалар магазинларда қўйлаб солинмоқда.

Арча байрамлари фақат кичкинтойларгагина эмас, балки катталарга ҳам заъқ бўлишига турган гап. Чўки бундай Янги йил тантаналарини қизиқарли программаларда ўтказишга аҳд қилинган.

Хуллас, ширин-шакар фарзандларимизнинг Янги йил айёминини яхши ўтказиш учун ҳамма жон қўйдириб меҳнат қилмоқда.

ҲАР ТЎҒРИДА

341 МИНГ СТУДЕНТ
ЧЕТ ЭЛДА

«Чет элда таълим олиш» справочникнинг маълумотлари тақриб 341 мингдан ортиқ йиғинчи ўз мамлакатидан ташқарига таълим олади. АКШ, Франция, ГФР, СССР ва Англия мамлакатлари олий ўқув юртиларида дунёдаги студентларнинг қариб ярим миқдори ўқийди; студентлар учун ажратилган стипендияларнинг 40 проценти ҳам ана шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Нигили, испан ва француз тилларида нашр этилганда мақсуд справочникда 1969—1970 ўқув йилида чет эл студентлари учун ажратилган 215 минг стипендия тўғрисида маълумотлар бор.


КИМДА ЭНГ КЎП ТЕЛЕФОН?

АҚШ да ҳар 100 кишига 49,8 телефон тўғри келади. Унда кейинги ўйларини Швеция (49,80), Янги Зеландия (39,87), Канада (38,91), Дания (29,09), Австралия (25,81), Норвегия (25,09) ва Буюк Британия (20,70) эгаллайди. Дунёнинг катта шаҳарлари орасида телефоннинг миқдори яхшидан Вашингтон биринчи ўринда — ҳар юз кишига 94,7 телефон, кейинги ўринлар Стокгольм (77,5) ва Сан-Франциско (77,4) га тегишлидир.

3. МУҲАММАДЖОНОВ.

ХАЖВИЯ

ПИСМИҚ



Сўзсиз сурат:



Пенсиядаги врач...
А. Ҳолиқов ва А. Қамбаров
чизган расмлар.

ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЕТИ ВА САҲНАТИ ДЕКАДАСИ ОЛДИДАН.



Атабой РАМАНОВ.

ОХУ

Тоғ мағури, саҳро эрқаси
Қарашларини на қадар, гўзал.
Хурқатининг, кўп юришининг
Достон бўлур, кўйлаб ғазал.
Хавф-хатарсиз яшлов кўринса,
Ўтга тўйиб, қавшаб ётасан.
Гар ногаҳон шарна сезилса
Шамолдан тез учиб кетасан.
Қўрқма эркам, кетма жонивор

Кенгесбай РАҲМОНОВ.

ДАДАМ ҲИРГОЙИСИ

Дадамлар хиргойи қўшқ
айтаркан,
Шодлик аломати, деб бўлмади
хурсанд.
Онам қўнғил бериб, уни
тингларкан

Демак, тотув улар, диллари пайванд.

Бахши ва шоир йўқ

авлодимизда.

Артист бўлолмади на мен, на укам.

Опа-сингалларим эса қолхоҳчи,

деҳқон,

Ҳеч кимдан кам эмас оила,

бўтаи.

Дадам ишдан қайтиб хиргойи бошлар,

Онам чойни сузиб тинглайди аста.

Дадамнинг ёнбошлаб, қўшиқ бошлаши,

Нақадар ёқимли, диллар қавада.

Қорақалпоқчадан
А. ТУРҲУМБЕТОВ
таржималари.

ўша писмиқ бир нарсаси деб қўйган бўлади.

Жонажон оғайинлар билан ўйнаб қўлганимиз унга ёқмайди. Писмиқ бунини кўролмай, ўртага чўп ташлайди. Сувини лой қатади.

— Тинчликми, ўш, — дейсиз бўшашибгина. — Бирор намчилик рўй бердими?

— Яна билмасликка оласиз, — дейди у. — Кўзлари олакула бўлади. Столдаги қорозини гинимлайди. У тўтқан, сиз — асабий. Сабабини билмайсиз. Амми бўлингчи, яна ўша писмиқ бир нарсаси деб қўйган бўлади. Ибботломайсиз. Неганга, писмиқ ҳам қалтанасанга ўхшаб тўнни ўзгартириб туради. Ҳар нарсанинг мисли чиққандай, писмиқнинг ҳам юзи очилиб қолади. Очилишга очилади-ю, шунча сарсон-саргардонликни айтмайсиз. Бундай писмиқлар учраб туради. Лекин бизнинг идора-мидаги писмиқни ҳамма беш қўлай билди. Келинг, сизни

ҳам таништирайлик. Исики Нўл-чиёй, фамилияси Тўғебоев...

Ана у коридорга чиқиб одамидан кунтутмас ерга борди-ю, шонирона ҳайл суриб синагаретани босиб-босиб тутатди. Бироздан кейин коридорни ушалайди. Юраги ўйнаб заҳил юзидан қон қочади. Гўваала бошдан совуқ тер чиқади. Касал у. Касали оғир. Диагнози — кўрмаслик. Кечалари ухламай одамларнинг устидан шикоят баъабериб, шу дарёга гирифторм бўлган. Агар улфатга қўнғил қўйсангиз, даврани бил айлантирадиз, ўзига гап келганда бу эскилик сарқити дейди. Балки тўғридир. Бир тилининг устидан уч марта думалайди. Аҳволи шундоқ, бу писмиқ-войини одамларини қаласа қилганини айтмайсизми? Тўноқ кўни бир ходим тўйда ёнидаги но-зирроқ одамга аския қўлиб қўйган экан, деворий газетасига ёзиб берса бўладики. Бунини албатта ҳужайин айтган йўқ. Ўш дилидан чиқариб қилиди. Хушомад-

нинг учун бир қўлда икки марта бураси керек.

— Овнатдан олдими ёки кейини?

ИТ ТИЛИНИ БИЛГАНЛАР

Икки итбоз йўлда учрашиб қолди.

— Виласани, дўстим менинг

Джеким газетаси ўқиниш ўрганиб олди.

— Биламан. Итим бу хабарни менга аллақачон етказган.

АЛИ-ХУЖА, ХУЖА-АЛИ

— Нега сен кейинги кезларда балки оғайн қармоқсиз борадиган олат чиқардинг?

— Биласаними, ортиқча қаранат қилиб нима қилмаган? Қармоқ билан борсанг ҳам, қармоқсиз борсанг ҳам, барбир ушлайолмайсан.

— Нега сен кейинги кезларда балки оғайн қармоқсиз борадиган олат чиқардинг?

— Нега сен кейинги кезларда балки оғайн қармоқсиз борадиган олат чиқардинг?

— Нега сен кейинги кезларда балки оғайн қармоқсиз борадиган олат чиқардинг?

— Нега сен кейинги кезларда балки оғайн қармоқсиз борадиган олат чиқардинг?

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ВА Экспонаты

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.35 — Курсатилар програм-маси.

Ўзбек тилида: 10.00 — Шанба, нонуштадан сўнг, 10.40 — Брас-лет—2 (бадий фильм), 11.55 — Курсатилар программаси.

12.00 дан — Москва кўрсатади. ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ.

17.55 — Курсатилар програм-маси. 18.00 — Телеянгиллар (рус тилида).

Ўзбек тилида: 18.10 — Кўнгроч телевизион театр (болалар учун), 18.30 — Малика Нотта (болалар учун телефильм), 18.40 — Янги кўшиқ келди (музикали эшитки-ри), 19.20 — Телеянгиллар.

19.30 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Душанба кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 29/ХІІ да кун-дуз Олтин қалъача, кечурун ҲИ-ниникин тун.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРА-МА ТЕАТРИДА — 28/ХІІ да Парона-дан кичил, 29/ХІІ да Парона.

МУЗНИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/ХІІ да Ёшларда берган кўнги-ли, 29/ХІІ да Тошболта ошқ.

КИНО

Ортимизда Москва — «ЎЗБЕК-И-С-ТОН», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СО-ВЕТНИЙНИ 50 ЙИЛЛИГ» (кундуз ва кечурун).

Грек Зорба — «ДРУЖБА» (кун-дуз ва кечурун), НАВОНИ номли (кундуз соат 5, кеч 6-40, 8-20 минут ва 10 дан).

Геленкадан қандай кутимиз ке-рак? — САҲНАТ САРОНИ, «ЧАЙ-КА», «МОСКВА» (кундуз ва кечу-рун).

Сирли монах — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГ» (кундуз ва кечу-рун).

Омонелда — НАВОНИ номли (ортабел соат 10, 11-40 минут, кундуз 1 ярим ва 3-20 минут).

Хаводан саргузаштлар — САҲ-НАТ САРОНИ (кеч соат 8 яримда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА ҳар кун

МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Тошкент шаҳрида кунлар соат 3 ва кеч 8 да, яқинда кунлар кундуз 12, 3 ва кеч 8 да бошланади.

Вилетлар сотилмоқда.

М. КОРНИКОВА номидаги Ўзбек Давлат филармонияси ва эста-рада артистларининг

КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти Кундуз МИРКАРИМОВА,

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар Олмазо ХАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАН-ДАВ

VI Жаҳон фестивалининг лауре-ати Отамурад ХОҲИЕВ ва бошқалар катнашади.